

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 10 декабрь, № 264 (8326) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## КОММУНАЛ СОҲАДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев коммунал хизматларни яхшилаш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳисоботи билан танишди.**

Юртимизда 39 минг 700 тага яқин кўп қаватли уйлар бор. Уларда яшовчи аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарув-сервис компаниялари ташкил этилмоқда. Жорий йил бошида бундай ташкилотлар 324 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 766 тага етган. Шу тариқа 36 мингдан зиёд ёки 92 фоиз кўп қаватли уйлар бошқарув-сервис компаниялари билан қамраб олинган.

Бу йилнинг ўзида улар томонидан қурилиш, таъмирлаш, техника ва ускуналар харид қилишга 262 миллиард сўм инвестиция киритилган. Янги ташкил этилган компанияларда 14 мингга яқин иш ўринлари яратилган.

Хонадонлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳисоб-китоблар “Менинг уйим” биллинг тизимида мужассам бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу тизим орқали 206 миллиард сўм тўланган.

Соҳадаги муҳим вазифалардан бири — уйларни иссиқлик билан барқарор таъминлаш. Бу борада ҳудудларда манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кўп қаватли уйларнинг ярмидан кўпи марказлашган ва индивидуал иссиқлик таъминоти тизимига эга. Қолганлари муқобил печлар, электр иситкичлар ёки бошқа ускуналар ёрдамида иситилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тасаррруфида 495 та қозонхона фаолият юритмоқда. 2018 — 2021 йилларда уларнинг 47 таси ва 78 километр иссиқлик тармоғи реконструкция қилинди. Бу йил Бухоро, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Наманган, Асака каби шаҳарлардаги яна 24 та қозонхона ва 182 километр тармоқ янгиланди. Натижада 70 минг хонадон ва 113 та ижтимоий объект узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Умуман айтганда, бу лойиҳалар самарасида кўп қаватли уйларнинг иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражаси янада ортди. Йилига 130 миллион куб метр табиий газ, 1 миллион 200 минг киловатт-соат электр энергияси тежаладиган бўлди.

Бундай ишларни изчил давом эттириб, 2023 йилги инвестиция дастури доирасида 3 та янги қозонхона қуриш, 10 тасини таъмирлаш ва иссиқлик тармоқлари тортиш режалаштирилган.

Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Жорий йилда 527 та иншоот ҳамда қарийб 7 минг километр тармоқ барпо этилди. Йил бошида аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70 фоиз бўлган бўлса, йил якунида бу кўрсаткични 74 фоизга етказиш режалаштирилган.

Маҳаллалар кесимида айтганда, 9 минг 309 та маҳалладан 3 минг 800 таси тўлиқ, қарийб 4 мингтаси қисман марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Қолган қишлоқларга сувни транспортда етказиш, шу билан бирга, имкони бор жойларга тармоқ тортиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, 2023 йилда Инвестиция дастурига асосан 62 та, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 373 та объект фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бу ишлар натижасида 403 та маҳалладаги 3 миллиондан зиёд аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади, 181 та маҳалла илк бор бу тармоққа уланади.

Шунингдек, давлатнинг ижтимоий буюртмаси орқали туман марказидан олисда жойлашган маҳаллаларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Келгуси йилда 17 та шундай қишлоққа 251 километр қувур тортилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларнинг ҳаёт сифати ва аҳоли саломатлигидаги аҳамиятини таъкидлаб, қўшимча кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

**БИЗ ва ДУНЁ**

## МОСКВАДА «ДЎСТЛИК» ВА «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Ўзбекистон элчихонасида икки мамлакат ҳамкорлигига салмоқли ҳисса қўшган Россиянинг қатор давлат ва жамоат арбобларини мукофотлаш муносабати билан тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.*

Мамлакатимиз Президентининг мустақиллигимизнинг 31 йиллиги ҳамда Ўзбекистон — Россия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, жумладан, қуйидагилар “Дўстлик” ордени билан тақдирланишди:

— Зелфира Трегулова — Третьяков давлат галереяси Бош директори;

— Алевтина Черникова — “МИСиС” Миллий тадқиқот технология университети ректори;

— Владимир Малишев — Бутунроссия Давлат кинематография институти ректори (ВГИК);

шунингдек, “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони билан:

— Дмитрий Вольвач — иқтисодий ривожланиш вазирининг ўринбосари;

— Алексей Груздев — саноат ва савдо вазирининг ўринбосари;

— Михаил Иванков — Роструд раҳбари.

Тадбир чоғида мукофотланганларнинг икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, шерикликни чуқурлаштириш, сиёсий, дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, таълим, фан-техника, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган улкан ҳиссалари таъкидланди.

Тақдирлаш маросимида илмий арбоблар, Россия вазирлик ва идоралари, академик доиралари ҳамда университетларнинг вакиллари ҳам қатнашди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Третьяков галереяси билан биргаликда Ўзбекистон музейларида сақланаётган экспонатларни ҳамда мамлакатимизда авайлаб асралаётган рус санъати намуналарини бутун дунё бўйлаб кенг оммалаштириш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги яқин маданий алмашув бўйича амалий ҳамкорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида қўшма кўргазмаларнинг ўтказилиши режалаштирилган.

Миллий тадқиқот технологик университетида дунёнинг 85 мамлакатидан келган ёшлар таҳсил олишади. Улар орасида ўзбекистонлик талабалар чет эллик талабаларнинг энг катта гуруҳидир. Бундан тўрт йил муқаддам Олмалиқ шаҳрида ушбу университетнинг филиали очилган эди.

Шунингдек, Тошкентда Бутунроссия Давлат кинематография институтининг филиали ҳам ташкил этилди, унинг талабалари аллақачон халқаро танловлар ғолиблигини қўлга киритишмоқда.

**«Дунё» АА.**
Москва

Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар:

## ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ҲАМ ВАТАНИМ

*Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси ташаббуси билан туркий дунёнинг машҳур олими, Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжарнинг ўзбек ёшлари билан онлайн мулоқоти ташкил этилди.*

**Эътироф**

Тадбирда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаблар, хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари, Туркияда таълим олаётган ёшларимиз қатнашди.

Азиз Санжар ёшларимизга ўзининг илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берди, йигит-қизларни илм-фан ва ижод билан чуқур шуғулланишга даъват этди.

“Тараққиёт учун илм зарур. Бинобарин, сиз матонат билан билим олишингиз даркор. Ёшларимиз халқаро даражадаги илм-фан даражасини яхши эгалламоғи лозим. Катта мақсадга эришиш учун кичик муваффақиятларни қозониш, илм пиллапоясидан босқичма-босқич юқорилаш мақсадга мувофиқдир”, деди у нутқида.

Туркий дунёда мамлакатимиз тутган алоҳида ўринга ишора қилган таниқли олим “Бутун туркий дунёни алоҳида ардоқлайман. Унинг ичида, айниқса, Ўзбекистонга меҳрим бўлакча. Сабаби тарихда олиму уламоларнинг юрти айнан Ўзбекистон бўлган. IX — XII асрларда мазкур заминда илм-фан гуллаб-яшнаган, кўплаб алломалар етишиб чиққан. Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий каби даҳолар барчамизнинг ифтихоримиз. Инчунин, Ўзбекистон — менинг ҳам Ватаним, ота юртим”, дея таъкидлади у.

Маълумот учун: Азиз Санжар ихтисослиги бўйича биохимик бўлиб, ҳозирча туркий давлатлар вакиллари орасида Нобель мукофотини қўлга киритган ягона олим ҳисобланади.

**«Дунё» АА.**
Анқара

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТ ШАКЛЛАНИШИ ЛОЗИМ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси” юзасидан йиғилиш ўтказилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари, давлат органлари ҳамда ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, “Коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди.

Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ва тармоқларда (капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари тизимларида) “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” каби лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Давлат харидларини амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2022 йил 1 январдан бошлаб барча давлат харидлари мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилмоқда.

Қайд этилганидек, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудда 201 та давлат хизматлари маркази ташкил этилди. Ушбу марказлар томонидан 200 га яқин давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

➔ 2

**Бугун — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун**

## ИСТИҚЛОЛ ВА ИФТИХОР ТИМСОЛИ

*Ҳар қандай давлат мадҳияси ана шу юртда туғилиб ўсган инсонлар учун муқаддас ҳисобланади. Улар ўз мадҳияларини тик туриб тинглайди, унга ҳурмат бажо келтиради, биргалашиб куйлайди. Халқнинг бош қўшиғи инсонларни бир эзгу мақсадга жамлайди, руҳини кўтаради, улуғворликка ундайди. Юртимизни жаҳонга танитаётган спортчиларнинг муваффақиятли ютуқлари шарафига байроғимиз энг олий шоҳсупалар узра ҳилпираганда мадҳиямиз садолари кўнглимизни кўтаради.*

“Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграганда, ҳатто душманларим ҳам тик туради!”, деб ҳазиллашар эди мадҳиямиз мусиқаси муаллифи, композитор Мутал Бурҳонов. Бу гапни унинг ўзи айтганига гувоҳман. Лекин анча йиллар бу гапнинг мағзини чақолмай юрдим. Ҳар сафар мадҳиямиз куйи янграганида, юрагимга жуда-жуда яқин, қадрдон оҳангни, шунингдек, шиддатли кўтаринкиликни, улуғворликни ҳис қиламан. Ўзимнинг, албатта, тахминларим йўқ эмас, шу билан бирга, ичимдаги гапларимни ташқарига чиқаришга қўрқаман. Қўрқаман эмас, тахминларим ишончсиз бўлиб чиқишини истамайман. Лекин бу гал, Давлатимиз мадҳияси қабул қилинганининг 30 йиллигида бу сирни очаман, ўзимнинг ишончли хулосаларимни мақоланинг охирида келтираман, деган қарорга келдим.

Хуллас, гапни 1947 йилда илк Ўзбекистон мадҳияси қабул қилиниш жараёнидан бошламоқчиман. Ўшанда 30 ёшли композитор Мутал Бурҳонов Москва давлат консерваториясида таҳсил олаётган пайтлар бўлган.

1946 йилда Ўзбекистонда давлат мадҳияси матни бўйича ёпиқ танлов эълон қилинади. Бунда шеър муаллифи ўз исм-шарифини ёзмасдан, уни шартли ном билан конвертга солиб комиссияга тақдим этиши лозим бўлган. Ана шу тарзда жуда кўп шоирлар танловда қатнашган ва муҳокамалар натижасига кўра шоир Темур Фаттоҳ ёзган матн энг кўп овоз олган.

Шундан сўнг мазкур матнга мусиқа ёзиш учун бастакорлар ўртасида ҳам ёпиқ танлов ташкил этилганида ҳайъат таркибида Мутал Бурҳонов ҳам бўлган. У ҳайъат аъзоси бўлгани боис истиҳола қилиб танловда қатнашишни лозим топмайди. Аммо композитор дўстларининг қистови билан ўз омадини синаб кўришга қарор қилади.

Мутал Бурҳонов ўзининг “Кўнгил хазинаси” номли китобида шундай ёзади: “Бошқа юмушларни четга суриб, бутун вужудим билан ишга киришдим. Ўзбек халқ мусиқасининг рангин оҳангларини изладим, чунки унда шашмақомимизнинг гардун йўли бор”. Ниҳоят, ёш композитор мадҳия куйини нотага солиб, якунига етказади. Ноталарини тайёрлаб, конвертга солади, устига “Поэма” деб шартли ном қўйиб, ҳайъатга жўнатади. Кўплаб тажрибали, маҳоратли бастакорлар ижод намуналари билан қатнашган танловда ҳайъат аъзолари айнан Мутал Бурҳонов томонидан яратилган куйни давлат мадҳияси мусиқаси сифатида тасдиқлашади.

1967 йилга келиб, матнга айрим ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилади ва бу ишга шоир Туроб Тўла жалб этилади. Мусиқа эса ўзгартирилмайди. Туроб Тўла шеърга ўша мустабид тузум босими остида замонга хос мойилликни назарда тутувчи мисраларни қўшади.

➔ 2

**Акс садо**

## ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ НАМУНАСИ

*Халқимизнинг эзгуликка йўғрилган қадрият ва урф-одатлари кўп. Масалан, кимдир хато қилса, дейлик, йиқилса, уни топтаб ўтмайди, аксинча, имкон қадар ёрдам беради, оёққа туриб олиши учун суяйди. Бунга ёрқин мисол сифатида ҳар йили юртимизда турли қутлуғ саналар муносабати билан юзлаб маҳкумларнинг афв этилаётганини келтириш мумкин.*

Киши жиноятни билиб ёки билмасдан, қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этади ва жазога тортилади. Албатта, бундай шахс ўзига берилган жазони мусибат ҳисоблайди ва тезроқ оиласининг бағрига қайтишни истайди. Ҳаёт йўлида адашиб, кейинчалик хатосидан тўғри хулоса чиқарган юртдошларимизга яна бир имконият берилиши эса, албатта, инсонпарварликнинг энг юксак белгисидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Унга мувофиқ, содир қилган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв қилинди. Уларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 26 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 63 нафарини эса аёллар ташкил этади.

➔ 2



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ИСТИҚБОЛЛИ

*Ўзбекистон кўп векторли ташқи сиёсатида Франция билан ҳам узоқ йиллик ишончли дипломатик ҳамкорликка эга. Ўз навбатида, Франция юртимизга Марказий Осиёдаги Буюк Ипак йўлининг стратегик макони сифатида доимо диққат-эътиборини қаратиб келади.*

*Ўтган беш йилликда икки мамлакат ўртасида таълим, илм-фан, савдо-сотиқ, технология ва демократик ислоҳотларда манфаатли самарадорликка эришилди.*

*Жорий йил 21 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Франция томонининг таклифига кўра Парижга расмий ташрифида 14 та келишув имзолагани фикримиз далили.*

**Нуқтаи назар**

Хусусан, Ташқи сиёсий идоралар ўртасидаги 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва Франция тараққиёт агентлиги билан 2023 — 2025 йилларда амалга оширилиши керак бўлган ҳамкорлик дастурига доир битим тузилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик борасида 6 миллиард евродан зиёд лойиҳаларни татбиқ қилишда истиқболли келишувларга эришилди. Бундай иқтисодий стратегик шериклик тараққиётимиз барқарорлигида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қувонарлиси, икки давлат раҳбарлари учрашувида мамлакатлар эртасини ҳал қилувчи куч бўлган кадрлар тайёрлашга позитив ёндашилиб, мактабгача таълим, умумий ўрта ва олий таълимни сифат жиҳатидан янада такомиллаштиришга мўлжалланган декларация имзоланди.

Таълим ва фанни икки томонлама ривожлантиришга қаратилган ушбу декларация ижросини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Парижда бўлиб ўтган Франция — Ўзбекистон университетлари халқаро «Campus France — 2022 учрашувлари» иккинчи форумида иштирок этди.

Мазкур анжуманда Франция томонидан 152 та, Ўзбекистон томонидан 20 та олий таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчи-профессорлар ўзаро тажриба алмашди.

Томонлар олиб борган самарали музокараларда келгуси уч йилда юртимизда Франциянинг 2 та университети филиали очилиши, мавжуд 2 та қўшма таълим дастури 10 тага кўпайтирилиши, академик мобиллик асосида илмий изланувчилар ва талабалар алмашинуви жадаллаштирилиши илгари сурилди.

Форум доирасида Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва Франция таълим масканлари билан ҳамкорликда маданий тадбирлар ўтказиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

➔ 3

**Ғамхўрлик**

## ОРОЛБЎЙИДА «МЕҲР ҲАРАКАТИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА

*Мамлакатимизда эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида хайрли ишлар олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида бошланган “Меҳр ҳаракати” ҳам ана шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.*

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев ташаббуси билан бошланган мазкур ҳаракат доирасида барча туманлардаги ночор шароитда яшаётган хонадонлар рўйхати шакллантирилди. Унга киритилган оилаларни жойига бориб кўриш ва уларга амалий ёрдамлар кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаш ишларини ташкил этиш мақсадида вазирлик, бошқарма, корхона-ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди ҳамда туманларга бириктирилди.

Айни пайтда “Меҳр ҳаракати” доирасида ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга хонадон учун зарур бўлган маиший техникалар ҳам берилмоқда.

— “Меҳр ҳаракати” доирасида Қораўзак туманидаги 14 оилага кўмак бериш ва хонадонларини таъмирлашни белгилаб олганмиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири А. Реимбаев. — Уларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги байрами муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Кунлар исиши билан хонадонларда таъмирлаш ишларига киришамиз.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).**

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИФТИХОР ТИМСОЛИ

← 1

1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат рамзларини яратиш бўйича яна танлов эълон қилинди. Бу даврда мадҳияни яратишга ҳар хил таклифлар бўлди, миллийлик ғоялари илгари сурилди. Мадҳия учун эълон қилинган танлов асосида шоирлар томонидан кўплаб шеърлар ёзилди, республика газеталарида чоп этилди. Давлат мадҳияси матни ва мусиқаси бўйича эълон қилинган танлов Низомига кўра, ижодкорлар яширин имзо — тахаллус билан қатнашиш шарти қўйилди.

1991 йил 5 апрелда Ўзбекистон композиторлари уюшмасида таниқли адиб Пиримқул Қодиров раислигида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон давлат мадҳияси учун тақдим этилган шеърларни саралаш масаласи кўриб чиқилди. Айтишим керакки, саралаш босқичлари ўта ёпиқ тарзда, ҳар хил жойларда ўтказилди. Ҳар бир конвертга шартли номлар қўйилган бўлиб, унинг ичида муаллифнинг исм-шарифи, асар ва мусиқа нотаси бўлган. Қайси конверт кимга тегишли эканини ҳеч ким билмайди. Шу тариқа биринчи босқичда 70 та асардан 40 таси танлаб олинди. Иккинчи саралаш босқичида 20 та, учинчисида 12 та асар қолди.

Танловга топширилган асарлар биринчи ва иккинчи босқичда овоз ва фортепиано жўрлигида куйланди. Учинчи босқичда танланган асарлар оркестр учун чолғулаштириш ва хор учун аранжировка қилиш, ижросини тайёрлаш мақсадида М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги симфоник оркестрга топширилди. Финал босқичида учта асар Олий Мажлисга тақдим этилди.

Шартли номлар қўйилган конвертлар очилганида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга сўз берилди. У давлат мадҳияси учун ўзи ёзган иккита шеърий матнни ўқиб берди. Шоирнинг "Минг йиллар қаъридан келар карвонинг" деб бошланувчи шеърий матнига "Баҳор" ансамбли учун жуда кўп миллий куйлар ёзган тажрибали композитор, собиқ шўро давлат мукофоти совриндори Бахтиёр Алиев мусиқа басталаган эди. "Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот" деб бошланадиган мадҳия матнига эса машҳур композитор Мутал Бурҳоновнинг 1947 йилда илк Ўзбекистон Давлат мадҳиясига басталаган куй партитураси қайтадан чолғулаштирилган ва гармоник матога бир оз ўзгариш киритилган ҳолда тақдим этилди.

Учинчи бўлиб мен ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, шоир Мирпўлат Мирзо томонимиздан тайёрланган мадҳия матни ва мусиқаси эълон қилинди. Мирпўлат Мирзо мусиқамга ёзган шеърий матнни ўқиб берди. Шундан кейин депутатлар ҳар учала матн вариантини мусиқа билан бирга тинглашди. Учала мадҳия янграгач, депутатлар уларнинг ҳар бирига яширин овоз берди. Натижада 404 балл билан Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов ҳамкорлигидаги асар ғолиб бўлди. Бизнинг ижодий ишимиз иккинчи, Бахтиёр Алиев мусиқаси билан тайёрланган мадҳия эса 3-ўринга лойиқ кўрилди. Лекин шунинг ўзи ҳам биз учун катта шараф эди. Танловнинг финал босқичига етиб, иккинчи ўринни олишнинг ўзи бўладими?

Энди, шу ерда нима учун айнан машҳур композиторнинг 1947 йилда ёзган ва қайта бойитилган мусиқаси мустақиллик мадҳияси куйи сифатида танлаб олинди, деган саволга жавоб излаймиз. Мутал Бурҳонов 12 ёшида машҳур маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитрат томонидан ташкил этилган мактабда таҳсил олиб, бу ерда мусиқа, мақом сирларини ўрганди. Кейинчалик Самарқанддаги Олий педагогика институтида (ҳозирги Самарқанд давлат университети) "Шашмақом" йўналишларидаги билимларини мукаммаллаштирди.

Москва давлат консерваториясида жаҳон классик санъаткорлари ижоди билан танишади, хор, симфоник оркестр учун асарлар ёза бошлайди. Айнан ана шу даврда, 1947 йилда Ўзбекистон мадҳиясига мусиқа ёзиш бўйича танлов эълон қилинганида, ёш композитор ўз ижодий изланишлари асносида бевосита мақом куйларига эътибор қаратади.

Мақом санъати билан таниш бўлган мутахассислар яхши билишади, "Шашмақом"нинг "Гиря" номли мақом йўналиши бор. Мутал Бурҳонов ана шу куй оҳангини Европа мумтоз санъат асарларидаги баъзи бир қўшимчалар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Шу тариқа мусиқага улуғворлик, шиддатли руҳ берадиган оралиқ интервалларни ишлатади. Бунинг учун ижодкор хор, симфоник оркестр санъатини яхши билиши керак. Тушунарли бўлиши учун асарга олдин фортепиано ва хор ижросида клавер ёзилади. Кейин симфоник оркестр жўрлигида партитураси чолғулаштирилади. Пуфлаб чалинадиган чолғулар иштироки ҳам композитор томонидан уйғунлаштирилади. Мутал ака ана шуларнинг ҳаммасининг уддасидан чиқди.

Шунинг учун улуғ композитор томонидан мадҳия учун басталанган мусиқада жаҳон мумтоз санъат асарларига ўхшаш жиҳатлар бордай туюлади. Аслида эса ундай эмас. Буни "Гиря" куйини тинглаб, у билан таққосласангиз, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Қисқача айтганда, бу мусиқа минг-минг йиллик миллий санъатимиз, мумтоз мусиқаларимиз ва дунё композиторлари асарлари билимдони томонидан яратилган ва дунёда унга ўхшаш куй йўқ, деб биламан.

Давлат мадҳияси қўшиқ каби фақат миллий чолғу асбобларидагина ижро этилса, Ўзбекистондан ташқарида, масалан, Европа ёки Осиё мамлакатларида уни ижро этадиган чолғу асбоблари топилмай қолиши мумкин. Шунинг учун давлат мадҳиялари барча мамлакатларда бор бўлган симфоник ва духовой оркестрларда, хор иштирокида ижро этилиши лозим эди.

Мутал Бурҳонов Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан шу мадҳия туфайли тасодифий яқинлашиб қолгани йўқ. Гап шундаки, ундан олдин шоир томонидан улуғ мутафаккир Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган қасидага мусиқа басталаган, биргаликда анча ижод қилишган эди. Бир-бирини яхши тушунгани учун Мутал ака Абдулла Ориповнинг газетада эълон қилинган шеърий матнига қаноатланмай, мадҳияни яратишда бирга ишлашни таклиф қилди. Бундан мақсад — шеърий матн ва мелодик мусиқа ўзбек адабий тилининг оҳангини мукаммал равишда очиб бериши, шеърий матннинг ички метр-ритми куйнинг ички метр-ритми билан уйғунлик касб этиши керак эди. Бу вокал асарларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мутал Бурҳонов шеърият ва мусиқа санъати орасидаги боғлиқлик ҳамда умумийликни идрок қилган ҳолда уларни уйғунлаштира олиши, соддароқ айтганда, шеърнинг вазн, туроғини қайтадан тўғрилаб, матнни мусиқага мослаши зарур эди. Унинг илтимосига биноан ўзимнинг пианиномни Абдулла аканинг уйига олиб бориб бердим. Улар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир сўз ва куй оҳанги устида узоқ вақт ишлашди. Шу тариқа бу изланишлар ва ҳамкорлик натижасида умуман бошқа шеърий матн яратилди. Менинг пианином ҳалиям Абдулла аканинг уйида турибди. Унга "Бу пианинода Ўзбекистон Давлат мадҳияси яратилган", деб ёзиб қўйилган.

Танлов якунларига кўра, Мутал Бурҳонов ва Абдулла Ориповнинг мадҳияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси сифатида 1992 йил 10 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонун билан тасдиқланди.

Ўз юртининг давлат рамзини яратишдек буюк бахтга сазовор бўлган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва устоз композитор Мутал Бурҳоновнинг ҳамкорлиги, ижодий тажрибаси бундан буён ҳам кўплаб авлодларга ўрнак бўлади, халқимизнинг маънавий камолотига хизмат қилади. Давлат мадҳиясида аждодларимиз куч-қудрати, тафаккур ва салоҳияти, эртанги кунимизга ишонч туйғулари мужассам. Бу ўлмас қўшиқ миллатимиз шаънини, озод ва обод Ватанимизни тараннум этувчи безавол тимсол сифатида дунё бўйлаб жаранглайверади, қалбларимизга чинакам шодлик ва ғурур бахш этаверади.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.**

## АКАДЕМИК АБДУЛЛАЕВ АБДУМАВЛОН АБДУЛЛАЕВИЧ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Ўзбекистонда генетика соҳасининг етакчи намояндаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдуллаев Абдумавлон Абдуллаевич 2022 йилнинг 8 декабрь куни 92 ёшида вафот этди.

А. Абдуллаев 1930 йилнинг 13 июлида Наманган вилоятида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё давлат университетини тугатиб, меҳнат фаолиятини Ўсимликшунослик илмий текшириш институти Ўрта Осиё тажриба станцияси кичик илмий ходими лавозимида бошлади. 1961 йилда номзодлик, 1973 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 70 йиллик илмий фаолияти давомида Фанлар академиясида фидойилик билан меҳнат қилди. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти кичик, катта илмий ходими, лаборатория мудири, директори, ЎзРФА Президиумининг қишлоқ хўжалиги фанлари бўлими раиси ҳамда умрининг сўнгги кунларигача институт бош илмий ходими лавозимида самарали фаолият кўрсатиб, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшди.

А. Абдуллаев илмий фаолияти давомида ғўза генетикасининг фундаментал асосларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. У яратган илмий мактаб асосида ғўзанинг бир қатор янги навлари кашф этилди ҳамда генетика селекциясида ғўзанинг ёввойи турларидан фойдали донорлар сифатида фойдаланиш имконияти яратилди. Олим мамлакатимиз пахтачилик илм-фани ривожининг фундаментал асоси ва миллий бойлиги бўлган ғўза генлари коллекциясининг асосчиларидан биридир.

У 600 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 10 дан ортиқ монографиялар муаллифи. Илмий мақолаларининг 300 дан ортиғи халқаро нуфузли журналларда чоп этилган.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан докторлари ва 40 га яқин фан номзодлари тайёрланган.

Академик А. Абдуллаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони (1980), "Меҳнат шуҳрати" ордени (2003), Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (2011) билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абдумавлон Абдуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ**

## ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ НАМУНАСИ

← 1

Афв қилинганлар орасида айрим ноқонуний, тақиқланган ташкилотларга билиб-билмасдан қўшилиб, жиноят содир этган 19 нафар шахс борлиги эса мазкур ҳужжатнинг аҳамиятини янада оширади, десак, айни ҳақиқат. Улар ҳам қилган ишлари нотўғрилиги ва кимнингдир даъвати билан ушбу ишга қўшилгани учун кечирим сўради ва афв қилинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, афв этишгача бўлган жараёнда жиноят содир қилган шахсларнинг барчаси атрофлича ўрганилди ва шундан сўнг уларга мазкур имконият берилди. Шу боис улуғ байрам олдидан бир гуруҳ юртдошларимиз ўз оиласи бағрига қайтадиган бўлди.

Хўш, улар афв этилиши билан барча юмушлар тугайдими? Йўқ, албатта. Улар билан ишлаш янада кучайтирилади, ушбу юртдошларимизга ҳар томонлама кўмак кўрсатилади. Бу Фармонда ҳам ўз ифодасини топган. Яъни жойлардаги мутасаддилар томонидан афв этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш юмушлари амалга оширилади. Уларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши учун, аввало, тиббий ёрдамлар кўрсатиш, эҳтиёж бўлса, даволаниш муассасасига ётқизиш, тадбиркорлик нияти бўлса, кредитлар ажратиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, мазкур Фармон давлатимиз томонидан амалга оширилиб келинаётган инсонпарварлик сиёсатининг юксак намунаси бўлди.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ — ИСЛОҲОТЛАР БОШ МЕЗОНИ

*Ўттиз йил — тарих учун бир лаҳза холос. Шу қисқа даврда Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода, улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.*

### Фикр

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёслигига алоҳида баҳо берди.

Таъкидлаш жоизки, бу йил биз, ўзбекистонликлар учун жуда масъулиятли, фахрли ва тарихий йил бўлди. Янги Ўзбекистон талабига жавоб берадиган ҳамда уни барпо этишга бел боғлаган шижоатли халқимиз манфаатларини тўлиқ ва кенг кўламли кафолатлай оладиган янгиланган Конституциянинг ижодкори бўлишда барчамиз фаол иштирок этяпмиз.

Натижада умумхалқ муҳокамаларида фуқаролар томонидан келиб тушган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислоҳотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронлиги бўлганларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ҳамда илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий Қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу йилги Бош қомусимизнинг 30 йиллик тантаналари ана шундай масъулиятли жараёнлар уйғунлиги ҳамда ҳамоҳанглигида нишонланмоқда. Халқнинг орзу-умидлари, мақсаду истакларидан иборат чин маънодаги халқ ижоди бўлган Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Демак, миллий ғурур ва инсон қадр-қиммати тимсоли бўлган Конституциямизни қўллаб-қувватлаш, ҳимоялаш, асраб-авайлаш, унга риоя қилиш — ҳар биримиз учун ҳам шараф, ҳам фахр, ҳам масъулият, ҳам Ватан олдидаги олий бурчдир. Зеро, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга, албатта, эришамиз.

**Гулруҳ АГЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## АФВ — ишонч демак

*Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларни рози қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш кейинги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.*

*Президентимизнинг "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони давлатимиз инсонпарварлигининг, бу йўлда олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар изчиллигининг ёрқин намунаси бўлди.*

Ҳужжатга мувофиқ, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жиноятi учун жазони ижро қилиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди.

Айнан бу хайрли иш Бош қомусимиз қабул қилинганининг 30 йиллиги байрами арафасида рўй берганида ҳам чуқур маъно бор. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқаришининг ёрқин далили бўлди.

Ўз навбатида, юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг амалий намунасидир. Чунки давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони қанчадан-қанча кўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшнолик улашди.

Эътибор беринг, мазкур Фармон билан тўрт юз икки нафар шахс афв этилди. Албатта, бу кичик рақам эмас. Уларнинг ҳар бири ортида кўзи тўрт бўлиб кутаётган оила аъзолари, яқинлари турганини инобатга олсак, фарзандининг "Дадам қаерда, қачон келади?", деган саволига жавоб тополмай, юрак-бағри эзилган оила бекалари, яқин қариндош-уруғлар, маҳалла-кўйни кўз олдимизга келтирсак, унинг аҳамиятини янада теран англаймиз.

Бу жараёнда афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун яқиндан кўмак берилаётгани уларни яратилаётган имкониятлардан тегишли хулоса чиқариб, оиласи фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига наф келтиришга ундайди.

Умуман, мазкур Фармон ижроси ўз вақтида ва самарали бажарилиши афв этилган шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳаётида муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, жамиятда одамийлик тамойиллари мустаҳкамланиши, барқарорлик таъминланишига замин яратади.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## «НАВОИЙУРАН»ДА ЯНА БИР КОН ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*«Навоийуран» ДК «Зафаробод» кон бошқармасининг 4-геотехнологик конига қарашли «Актау» конининг расман очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Таъкидланишича, «Навоийуран» давлат корхонаси томонидан уран қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхатида «Актау» конида руда қазиш майдонини қуриш учун жорий йилда 2,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди. 2023 йилда ҳам яна шунча маблағ ҳисобига лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши белгиланган.*



### Жараён

— «Актау» конининг очилиши умумий ҳисобда корхона тасарруфидаги йигирманчи кон бўлиб, унинг захиралари дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 15 йилга етади, — дейди «Навоийуран» ДК матбуот хизмати раҳбари Зариф Маҳмудов. — Шунингдек, корхонамизнинг 2023 йилги ишлаб чиқариш ҳажмига 1,9 фоиз ҳисса бўлиб қўшилади.



«Актау» конидан 4-геотехнологик кони базасидаги ишчилар қўрғончасигача масофа 45 километрни ташкил қилади. Шунингдек, Зарафшон шаҳридан 60 километр, Учқудуқдан 160 километр узоқликда бўлиб, коннинг фойдаланишга топширилишидан аввалроқ Қизилқумнинг инжиқ иқлими инобатга олинган эди. Яъни ёздаёқ замонавий ишчилар қўрғончаси ва унда 40 кишига мўлжалланган замонавий жиҳозланган ошхона, тиббиёт хонаси, кийиниш ва ювиниш, маънавият ва спорт хоналари, ёзги дам олиш айвони қурилганди. Қўрғонча атрофлари ободонлаштирилиб, ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, мазкур геотехнологик кон тасарруфидаги «Актау» кони майдони нафақат қумликлар ва иқлим шароитлари, балки руда конларининг 500 метргача чуқурлиги билан ҳам мураккабдир. Бироқ ушбу кон истиқболли майдон бўлиб, 2021 йилдан дастлабки тажриба-саноат ишлари олиб борилган ва натижаларга кўра, ишлаб чиқаришда фойдали деб топилган эди. Хуллас, жорий йилнинг августида конда бурғилаш ишлари бошланиб, ҳозирда 4 та бурғилаш қурилмаси ишламоқда. Тайёр қудуқларда эса металл олиш учун пассив оксидлаш жараёни олиб бориляпти. Жорий йил сўнгига қадар тайёр қудуқлар сони 25 тага етказилади.

Коннинг биринчи босқичида 20 та иш ўрни яратилди, тўлиқ циклда ишга тушиши билан яна 74 кишининг бандлиги таъминланади. Маълум қилинишича, яқин кунларда яна иккита янги объект фойдаланишга топширилади.

Маросим сўнгида бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган мутахассис ва ишчи-ходимларга миннатдорлик билдирилиб, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТ ШАКЛЛАНИШИ ЛОЗИМ

← 1

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 450 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган 18 турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб этиш бекор қилинди, ушбу ҳужжатларни ваколатли давлат органи томонидан "Электрон ҳукумат" платформаси орқали олиш тартиби амалиётга киритилди.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон "Transparency international" ташкилотининг "Коррупцияни қабул қилиш" индексида 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 7 поғонага, 2021 йилда эса 6 поғонага юқорилаб, индекс баҳосида қаторасига 5 йил давомида барқарор ўсишга эришди.

Тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, жамиятда ушбу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Шунингдек, агентликка коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш, бу борада жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш ҳуқуқи белгиланган бўлсада, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмагани, Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари якунига етказилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Якунда соҳани такомиллаштириш ҳамда агентлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ИСТИҚБОЛЛИ

1

Таъкидлаш жоизки, Франция Ўзбекистон билан иқтисодий, сармоявий, молиявий ва техник соҳалардаги ҳамкорликка катта эътибор беради. Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш, туризм, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларда 46 та корхона, жумладан, уларнинг 17 таси тўла Франция капитали асосида фаолият юритмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг улкан ислоҳотларида Франция сармояси иштирокида қатор йирик сармоявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Хусусан, қуёш фотоэлектр станциясини қуриш, уран қазиб олинадиган истиқболли ҳудудларда геология-қидирув ишлари олиб бориш, буғ-газ электр станцияларини ишга тушириш ва «SUEZ» билан ҳамкорликда «Тошкент сув хўжалигини ўзгартириш режаси» ва «Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш» лойиҳалари ҳам айни самарали жараёнда.

Икки давлат ўртасида ўзаро савдода энг қулай режим ўрнатилган бўлиб, Даромадларга икки томонлама солиқ солиш ҳамда даромад ва капиталга солиқ солишдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция амал қилади.

Савдо-иқтисодий муносабатларига тўхталадиган бўлсак, икки юрт ўртасида 2021 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 280 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йил сўнгида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 232 миллион долларга етди.

Яна бир муҳим жиҳат, Франция тараққиёт агентлиги (ФТА)нинг Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси Тошкентда жойлашган бўлиб, ФТА билан ҳамкорликда Ўзбекистонда умумий қиймати 350 миллион евро бўлган 3 та лойиҳа амалга оширилган, яна жами 434,3 миллион евролик 5 та лойиҳа амалга жорий этилмоқда.

Юқорида айтганимиздек, кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, интеграциялашув тобора кенгайиб бормоқда. Натижада Ўзбекистонда 704 та мактаб, коллеж ва лицейда ҳамда 13 та олий ўқув юртида француз тили катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Сорбонна университети ҳузуридаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтида ўзбек тили курслари очилиши, француз тилини ўргатувчи Франция альянсининг Тошкентда фаолият юритиши, истиқболли дипломатик дастурларимиз етук кадрлар тайёрлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қисқача айтганда, туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, авиация, инклюзив таълим, бизнесни бошқариш, энергетика, сиёсатшунослик, авиация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик давлатимиз раҳбарининг Парижга расмий ташрифи нақадар стратегик аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Форумда делегациямиз раҳбари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов университетлараро янги босқичли бевосита алоқаларни боғлаш, кадрлар тайёрлаш, таълим ва илм-фан соҳаларида олиб борилаётган жараёнларни жадаллаштириш ва рақамли дастурлардан самарали фойдаланиш борасида фикрлар алмашди.

Форум доирасида «Барқарор ривожланиш жозибадорлик вектори сифатида» номли конференция, «Марказий Осиёда янги минтақавий мобиллик маркази сари: Ўзбекистоннинг халқаро очиқлик сиёсати ва унинг Франция билан ҳамкорлик имкониятлари» мавзуидаги семинар профессор-ўқитувчиларга мотивация олиш ва тажриба алмашиш учун катта очиқ майдон вазифасини ўтади.

Чунончи, биз учун олий таълим тизими жаҳон таълим стандартларига изчил ўтаётгани, кучли доираларга кириш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани асослар келтирилган ҳолда тақдимот қилинди. Бу жараёнда Франция университетлари билан ҳам ҳамкорлик стратегияси, икки мамлакат лойиҳалари яратилиши ва уларнинг муваффақиятлари маърузаларда қайд этилди. Икки томон таълим тизими раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янги сифат босқичига олиб чиқиш хусусида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Ўзбекистонда олий таълимда инклюзив таълим қамровини кенгайтириш Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий давлат сиёсатининг амалдаги ижроси бўлиб, «Инсон қадри учун» тамойилини ўзида акс эттиради.

Форум доирасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Миллий университети делегацияси Франциядаги Ногиронлиги бор ёшларни ўқитиш ва мослаштирилган таълим бўйича миллий олий таълим ва тадқиқот институти (INSHEA)га ташриф буюрди. Институтнинг халқаро алоқалар ва ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Софи Жин ва ўқитувчи-профессорлар, тадқиқотчилар билан яқиндан тажриба алмашди.

INSHEA инклюзив таълим ва туғма нуқсони бўлган инсонларнинг ижтимоийлашуви борасида илмий тадқиқот олиб бораётган Франциянинг энг катта олий ўқув муассасаси ҳисобланади.

Биз жамиятда инсон қадрини оширишга қаратилган бундай таълим тизими ёрдамида кўзи ожиз, қулоғи оғир ва бошқа турдаги туғма нуқсонлари бор ёшларнинг тўлақонли таълим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Институтнинг нуқсони бор талабалари учун мослаштирилган материаллар тайёрлаш ресурс марказини ўргандик.

Инклюзив таълимнинг Франция тажрибасини Ўзбекистонда биринчи бор тажриба сифатида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида синовдан ўтказиш, келаси йилда ўзаро алоқаларни яна кенгайтириш мақсадида ўзбек ва француз делегациялар алмашинувини амалга ошириш белгиланди. Ўзбекистонда олий таълимда инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш учун Европа Иттифоқининг ERASMUS грантини ютиб олишда қўшма лойиҳа ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Мазкур грант лойиҳасини тайёрлашда Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси, ERASMUS лойиҳасининг ваколатхонаси билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.



Форум доирасида Франция университетлари билан тўғридан-тўғри икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, бир қатор йўналишларда қўшма таълим ва икки томонлама диплом берувчи дастурларни йўлга қўйиш, француз мутахассисларини Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида қисқа ва узоқ муддатли маъруза ўқиш, семинарларни ташкил этиш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, малака ошириш, илмий фаолиятдаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида 10 га яқин англашув меморандуми, битимлар ҳамда йўл хариталари имзоланди.

Учрашувда «Ўзбекистон — Франция туризм таълими консорциуми»ни ташкил этиш ва унинг доирасида туризм таълимида Франция тажрибасини жорий этиш, биргаликда ўқув режалари ва тренинг дастурлари ишлаб чиқиш, академик ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Жумладан, Туризмда мукаммалликка ўқитиш конференцияси уюшмаси ҳамда Дукас гастрономия мактаби билан туризм ва гастрономия соҳаларида ҳамкорлик қилиш, жумладан, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, халқаро грантларни биргаликда бажариш бўйича келишувга эришилди.

Франция туризм институти халқаро бизнес бўйича директори Винсент Фаёлл томонидан профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабалар ва мутахассислар учун қисқа муддатли тренинглар ташкил этиш ва келажакда институтнинг филиалини очиш масаласи таклиф қилинди.

Ўз таркибида туризм, бизнес, иқтисодиёт каби соҳаларда олий таълим берувчи бир қанча бизнес мактабларини бирлаштирган «Yschools» гуруҳининг халқаро алоқалар бўйича директори Антуан Гуйем билан Эрасмус+ кредит мобиллиги лойиҳаларини амалга ошириш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш масалаларида келишиб олинди.

Пантеон Сорбонна университетининг Туризм олий таълими ва тадқиқотлари институти директори Себастьян Жако билан туризм соҳасида илмий тадқиқотлар бажаришда халқаро грантларни жалб қилиш, қўшма раҳбарлик асосида докторантура ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Кенг қамровли мулоқотлар якунида Франция университетлари билан навбатдаги ректорлар форумини 2023 йилда Ўзбекистонда ўтказиш таклифи қабул қилинди. Бу келишувлар мамлакатимизда таълим ва илм-фанни тараққий эттириш асносида иқтисодиёт тармоқлари, саноат, туризм, маданият соҳаларини янги босқичга кўтаришда етук кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Франция — Ўзбекистон университетлари халқаро «Campus France — 2022 учрашувлари» иккинчи форумида имзоланган истиқболли битимлар Ўзбекистонда олий таълимни халқаро форматда ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашни замон андозаларига мослаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.**

## Таклиф

*Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан қатъий боряпмиз, десак, айни ҳақиқат.*

*Давлатимиз раҳбари 2026 йилгача энг кўп эътибор бериладиган 5 та асосий соҳани санаб, биринчи — таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратиш изчил давом эттирилиши, бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилишини таъкидлаган эди.*



# ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛИШИ КЕРАК?

Халқ таълими — олий таълим, илм-фаннинг фундаменти. Шу боис педагоглар тайёрлаш сифатини ошириш — давр талаби. Бунинг учун, аввало, педагогика мутахассисликларига иқтидорли, энг юқори балл олган абитуриентларни жалб қилишни таъминлаш лозим. Акс ҳолда мактаб учун қилинаётган сарф-харажатлар ўзини оқламайди ва мос равишда Президентимиз қўяётган талабларга жавоб беролмайди. Натижада нафақат олий таълим ҳамда илм-фан, балки жамият тараққиётида кўзланган мақсадларга эришилмайди.

Шу боис бугунги замон учинчи Ренессанснинг энг муҳим таянчи бўлган таълим тизимини тубдан трансформация қилиш, унинг сифати ва натижадорлигини кескин оширишни тақозо этмоқда. Шуни эътиборга олиб, таълимдаги муаммоларнинг ечими сифатида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан,* тест тизимини янада адолатли қилиш зарур. Яъни мактаб дастури бўйича барча мутахассисликларга бир хил тестлар тайёрлаш, республика бўйича энг иқтидорли юқори балл олган абитуриентларни ажратиб олиш *(ягона чизиқ ўтказиб, масалан, 150 баллдан юқориларини олий таълимга ажратиб олиш ва кейин мутахассисликларга бўлиш)*.

Шунда педагогика соҳасига 150 баллдан юқори балл олган абитуриентларни жалб қилса ва уларни бюджет ҳисобидан ўқитса, ўқитувчиларнинг ойлиги ва нуфузини оширса, таълим сифати кескин яхшиланади. Ҳозир энг юқори балл тўплаган абитуриентлар дипломатия, ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт соҳаларига кадрлар тайёрловчи олийгоҳларга киришмоқда. Агар педагогларнинг (ўқитувчиларнинг) ҳам ойликлари ошиб, нуфузи кўтарилса, ушбу соҳага ҳам иштиёқ ошиши табиий.

Дипломатия ва ҳуқуқшунослик университетлари каби илғор олий ўқув юртларига кира олмаган, қобилияти 180 ва ундан кўп балл тўплаган абитуриентларни педагогика таълимига жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги кунда педагогика йўналишларига кўпинча паст балл тўплаган абитуриентлар кирмоқда. Улардан келажак бунёдкорлари бўлган ёшларга замонавий билим берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш қийин бўлади.

*Иккинчидан,* болаларнинг овқатланиш рациони мия қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ҳар бир ўқувчини сифатли овқатлантиришни ташкил этолсак, уларнинг хотираси ҳам, мия қобилияти ҳам кучли бўлади. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда етарли имкониятлар мавжуд. Ҳозирги кунда ҳар бир овқат турининг калорияси аниқланган ва бола бир кунда 1200 к/калориялик овқат ейдиган бўлса, 5 маҳал овқатланиш давомида қанчадан нималарни истеъмол қилиш мумкинлиги рациони ишлаб чиқилган.

*Учинчидан,* ўқувчи ақлий қобилиятини ривожлантириш мақсадида мнимоника, ментал арифметика ва медитация *(МММ)* орқали машқлар ўтказиб, олдин хотирани яхшилаб, мантиқий ўйлашни ишга солиб, кейин билим беришни йўлга қўйиш зарур. Бу таълим соҳасида 2-3 баробар юқори самара беради. Шунда 11 йиллик мактабда берилган билимнинг 70 — 80 фоизи бола ёдида сақланиб қолади. Ҳозир бу кўрсаткич 10 — 15 фоиз ҳам эмаслиги олимларнинг тадқиқотларида аниқланган.

*Тўртинчидан,* бугунги таълим тизимида болаларимизнинг хотираси пастлигидан асаби бузилиб, кўп касалликларнинг *(қон босими ошиши, қандли диабет, ич қотиш, кўз ишдан чиқиши ва ҳоказо)* пайдо бўлишига олиб келмоқда. Инсон умрининг узайиши БМТ таҳлиллари бўйича давлатларнинг иқтисодиёти, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолатига боғлиқлиги аниқланган.

Мамлакатларда ўртача умр кўриш даражаси дунё миқёсида энг асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Янги Ўзбекистондан инсон капиталидан “Инсоннинг ақлий капитали” таҳлилига ўтиб, таълимни ёшларни соғломлаштиришга қаратилган ва ақл-заковатни ўстирадиган соҳага айлантириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш лозим.

*Бешинчидан,* “ақлли тиббиёт” (психологлар) ёрдамида болалар хотирасини яхшилаш, ўйлаш тезлигини ошириш, мантиқий фикрлашини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим. Бунда таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси таълимда билим даражасини ўлчаш билан бирга, ўқувчилар қобилияти ўсиши ва унинг самарали ишлатилиши (қобилиятига мос касбга йўналтириш)ни ҳам назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқ.

*Олтинчидан,* талабалар ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари дарсларга мустақил тайёрланишлари учун уларга олдиндан тегишли дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари билан бирга ноутбук ва нетбуклар ижарага берилиши керак, уларда бутун курснинг дастурлари, дарсликлари ва маъруза матнлари, саволлари, тестлари, адабиётлари жойланган бўлиши лозим.

Талабалар бўлажак дарсларга мустақил тайёрланиб келишлари, ўқитувчи дарсни савол-жавоблардан бошлаб музокара тарзида ўтказиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар (талабалар) фақат тингловчи, ўқитувчи гапирувчи бўлиб қолмаслиги керак. Улар дарс мавзусига оид назарий масалаларни ҳаётдаги жараёнлар билан қиёслаб, ўрганиш босқичига ўтиши лозим. Ўқитувчи мустақил ўзлаштиролмаган ёшларга билимларни тушунтириши ва улардан амалиётда қандай фойдаланиш лозимлигини ўргатиши керак бўлади.

*Еттинчидан,* “Бир миллион дастурчи” ва бошқа лойиҳалар асосида барча туман ва шаҳарлардаги етакчи мактабларда сифатли дастурчиларни тайёрлаб, уларни масофадан туриб, онлайн шаклда ривожланган давлатларга ишга жойлаштириш зарур.

Мисол учун, ТДИУ талабаси Умид Аҳмедов (илмий раҳбари проф. Б. Бегалов) олдин “Microsoft” компаниясига сунъий интеллект технологияси бўйича йилига 180 минг доллар маош билан масофадан ишга жойлашди. Бугун у Данияда шу компания филиалининг раҳбари ва иш ҳақи анчага ошган.

Яна бир мисол, Мирзо Улуғбек туманидаги IT-паркда дастурчилар АҚШ катта юк автомашиналари логистикасини тузишади ва йилига 50 минг доллардан кўпроқ маош олишади. Хитой ва Ҳиндистон ҳар йили минглаб дастурчиларни хорижга ишга масофадан жойлаб, камбағалчиликдан қутулмоқда. Рақамли технологиялар ва IT дастурлашни ўқитишни янада кучайтириш лозим.

*Саккизинчидан,* Ўзбекистонда Хитой ва Ҳиндистонга ўхшаб “Очиқ университетлар” ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Уларда энг замонавий хорижий дастурларни ва рақамли технологияларни қисқа муддатли курсларда масофадан онлайн ўқитиб, дастурчиларни тайёрлашни кам харажатлар билан тез амалга ошириш мумкин. Мамлакатимиз келажаги рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ бўлганлиги туфайли бундай мутахассисларни тайёрлаш кундалик эҳтиёжга айланиб бориши табиий.

*Тўққизинчидан,* олий таълимга 3-4 баробар қабул ошгани ва кўп яхши педагоглар хусусий университетлар ва филиалларга ўтиб кетаётгани учун малакали педагоглар танқислиги кучайиб бормоқда. Олий таълимга зарур бўлган кадрлар штатини шунчаки педагоглар билан тўлдириш эмас, балки энг иқтидорли, билимдон, маҳоратли педагогларни жалб қилиш лозим.

Бунинг учун магистратура мутахассисликларига энг юқори рейтинг олган талабаларни жалб қилиш зарур. Уларнинг энг иқтидорлиларини 3-курсдан бошлаб ушбу йўналишга йўналтириш ва тажрибаларини ҳам орттириб бориш мақсадга мувофиқ.

Бўлажак педагогларни илмий тадқиқот ишлари билан талабалик давридан шуғуллантириш, уларга нотиқлик санъатини ўргатиш бўйича алоҳида маҳорат дарслари ташкил қилиш, талабалар руҳиятини ўрганиш билан боғлиқ билим ва кўникмалардан ҳам хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

Магистратурага ҳозиргидек фақат инглиз тилидан ёки бошқа хорижий тиллардан тегишли баҳо ва сертификатга эга бўлганларни хоҳлаган йўналишга эмас, ўзининг битирган йўналиши ва унга яқинроқларига йўллаш керак.

Умуман олганда, ёшларни соғлом ўстирмасдан туриб, улардан етук мутахассисларни тайёрлаш қийин. Таълимни тубдан яхшиламасдан туриб, бугунги ривожланиш асрида янги Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари ўртасидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, инновацион тараққиётга эришиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш каби вазифаларга эришиб бўлмайди.

Сифатли таълим орқали кучли билимли кадрлар етиштирилади, билим бор жойда эса барча соҳада муваффақиятга эришиш имконияти яратилади.

**Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик.**
**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

# «НАРГИЗ» ТУРИЗМ МАСКАНИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН. АГАР...

*Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳри юртимизда бетакрор табиати, мевазор боғлари, тарихий-маданий масканлари билан танилган. Бу ички туризмни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.*

*Аммо туризм имкониятлари ва бу борада яратилган шароитлар хусусида гап кетганда, бугун Қувасойдаги мавжуд ҳолат қониқарли эмас. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган, бутун мамлакатимиз, ҳатто қўшни республикаларда ҳам машҳур бўлган “Наргиз” дам олиш масканининг бугунги ночор аҳволи фикримизнинг яққол далилидир.*

*Шаҳарнинг фусункор табиати билан танилган Арсиф қишлоғида бунёд этилган ушбу мажмуа кейинги ўн йилларда эътибордан четда қолмоқда. Аслида, бу масканнинг шарафли тарихи бор.*





## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

### Шароф Рашидов боғи

Мажмуа ташкил этилишида Маматқул Раҳматов, Акбарали Раҳмоналиев, Турсунбой Дадажонов каби меҳнат фахрийлари қаторида атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номи ҳам ўзгача ғурур билан тилга олинади. Арсифлик нуронийларнинг эслашича, бу ерда Шароф Рашидов экқан ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, олмазор боққа айланган. Бугунги кунда олмазорнинг бир қисми сақлаб қолинган бўлиб, арсифликлар уни Шароф Рашидов боғи сифатида эъзозлайдилар.

— Маълум бўлишича, ўз вақтида 35 — 40 нафар одам ишлаган 10 гектар майдондан иборат дам олиш масканининг 5 гектарига кадастр ҳужжатлари қилинган, холос, — дейди арсифлик Воҳиджон Содиқов. — Бир пайтлар вилоятнинг энг машҳур гўшаларидан бўлган бу жойнинг атрофи мевазор боғ бўлиб, анвойи гулзорлар, ҳамиша майин эсиб турувчи шаббода, қир-адирлар ўртасидаги роҳатбахш маскан келиб-кетувчи ҳар қандай меҳмонга ёқарди.

2020 йили Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан масканда мукаммал таъмирлаш ишларига киришилди. Аммо яхши ниятда бошланган саъй-ҳаракатлар ниҳоясига етказилмади. Ўшандан буён “Наргиз” яна унутилган ўгай ҳудуддек — қаровсиз жойга айланиб ётибди...

### Отангга бор, онангга бор!

Ўтган йиллар мобайнида мажмуа бир неча бор қўлдан қўлга ўтиб, тадбиркорлар ўртасида сарсон бўлиб келмоқда. Кредит қарздорлиги туфайли у маълум муддат қўшни Андижон вилоятида яшовчи тадбиркор тасарруфига ҳам ўтди. Ҳозир фарғоналик тадбиркор Шуҳрат Азизов “Наргиз”нинг эски шуҳратини қайта тиклаш, мажмуа негизида замонавий туристик марказ барпо этиш ҳаракатида юрибди. Аммо ҳозирча аниқ бир натижага эришгани йўқ.



— Бизнес-режамни тақдим этиб, кредит олиш масаласида бир неча тижорат банкларига мурожаат қилдик, — дейди тадбиркор Ш. Азизов. — Лекин бугунги кунга қадар 4 та тижорат банкидан ҳам рад жавобини олдик. Шу кунларда ҳам асосий вақтимиз кредит олиш мақсадида банкларда ўтмоқда.

Тадбиркорнинг икки босқичли бизнес-режасида дастлаб байрам тадбирлари, тўй-тантаналар ўтказиш биноси, ресторан, кутубхона, теннис корти, чўмилиш ҳавзаси барпо этиш кўзда тутилган. Иккинчи босқичда ландшафт архитектураси асосида манзарали ва мевали дарахтлар экилади. Ҳудуднинг суғориш тизимлари, доимий сув таъминоти масаласи яхшиланади.

Шу тариқа бу ерда бир неча турдаги хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларига эга туризм мажмуасини ташкил этиш режалаштирилган.

— Тадбиркорлик ва туризм соҳасида етарли тажрибага эгаман, — дея сўзини давом эттиради тадбиркор. — Аммо бу борада калаванинг учини топиш осон бўлмаяпти. Акс ҳолда мақсадим улкан эди.

Гапнинг очиғи, “отангга бор, онангга бор” қабилида иш тутилиши тадбиркорни жуда ҳам чарчатган.

— Кредит масаласи ҳал бўлса, ишлар юришиб кетади, — дейди Қувасой шаҳар ҳокими ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Салимжон Нишонқулов. — Негадир тижорат банклари масъуллари мазкур лойиҳа истиқболига унчалик ишонмаяпти. Аслида, тадбиркорнинг бизнес-режаси пишиқ-пухта ишлаб чиқилган. Қолаверса, қулай шароит яратиш орқали бу ерда туризмдан яхши даромад олиш мумкин.

### Табиат гавҳари

Арсиф — Фарғона водийси чорраҳасида жойлашган сўлим қишлоқ. Айниқса, баҳор фаслида қишлоқнинг табиати янада фусункор бўлади. Арсиф боғларида пишадиган беҳи, олма, гилос, ўрик, шафтоли сингари мевалар мазаси болдек ширин. Қисқача айтганда, экотуризм, агротуризмни ривожлантириш учун қулай маскан.

— “Наргиз”нинг бугунги ачинарли аҳволини кўрганда кўзимга ёш келади, — дейди меҳнат фахрийси Адҳамжон Умаров. — Чунки турмуш ўртоғимни шу ерда учратганман, кейин боғда тўйимиз бўлди. Ҳатто тўнғич қизимизнинг исмини ҳам унинг шарафига — Наргиз қўйганмиз. Қувасой ва Фарғона шаҳри, Фарғона туманида ҳаёти ушбу қадрдон гўшага боғланган оилалар кўпчиликни ташкил этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва мутасаддилар бу масалани эътиборсиз қолдирмаслигига, яқин вақт ичида “Наргиз”нинг довруғи яна қайта тикланишига ишонгимиз келади...

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Наим Каримов таваллудининг 90 йиллиги

# МУҲТАШАМ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА ЭГАСИ

*Олим чинакам илмга бутун борлиғини бахшида этмагунча ҳақиқатни топа билмайди. Агар илм инсоннинг умр мазмунига айланса, бу изланишлар, тадқиқотлар, тушуниш ва тушунтиришларда файз, завқ ва шавқ бўлади. Ўттиз йилдан кўпроқ давр мобайнида билганим академик Наим Каримов ўз онгли умрининг бутун мазмунини адабиётшунослик илмига бағишлади. Нина билан қудуқ қазиди, адабиёт муҳиблари қалбига зиё улашди. Яхши китоб — маънавият булоғи. Маърифатталаб ўқувчилар маънавият булоғи бўлган китобларни ўқиб, чанқоғини босишади ва дунёга бошқача назар билан боқишади. Олимларнинг ана шу хизмати — билмаганларга билмаганини билдириши, мудроқ кимсаларни уйғотишида улкан савоб бор.*



Диққат қилинса, Наим Каримов илмий фаолияти кўп қиррали экани маълум бўлади. Айни дамда бу олмос қирраларни бир жиҳат — одамлар қалбига адабиёт нурини олиб киришдек умумий маёқ бирлаштириб, олимнинг илмий фаолиятини ич-ичидан нурафшон қилиб туради. Олим илмий-ижодий биографиясини улкан адабий сиймолар ҳаёти ва ижод йўлининг таҳлиллари, теран адабий-назарий талқинлари, жуда муҳим илмий масалаларга муносабатлар, кўплаб адабий муаммоларнинг ечимлари тарихи ташкил қилади.

XX аср ўзбек адабиётининг тўлақонли манзараларини Наим Каримовнинг китобларини ўқиб, тугал тасаввур қилиш мумкин. Олим тадқиқотлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Зулфия, Миртемир, Мақсуд Шайхзода ва бошқа адиблар ижодининг поэтик мазмун-моҳиятини, лирик ва эпик образлари табиатини, уларга замондош ижодкорларнинг асарлари билан қиёси каби жуда кўп жиҳатларни англашга ёрдам беради.

Мустақиллик даври Наим Каримов ижодининг алоҳида босқичини ташкил этади. Қатағон довулига дуч келган зиёлилар бошидан кечган қисмат тарихи бўйича олиб борган изланишлари — бу алоҳида мавзу. Буни тасаввур қилиш учун, дейлик, биргина, “Адабиёт ва тарихий жараён” ёки “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари” номли китобларидан бирортасини варақлашнинг ўзи кифоя. Айни дамда олимнинг қатл этилган миллат гуллари — шоир ва ёзувчилар, фидойи зиёлилар тўғрисида ёзган асарлари махсус ўрганишга, ибратланиб сабоқ олишга муносиб ижод намуналари саналади. Бу ўринда олимнинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий”, “Чўлпон”, “Истиқлолни уйғотган шоир”, “Усмон Носир”, “Усмон Носирнинг сўнгги кунлари”, “Мақсуд Шайхзода”, “Фитрат”, “Уч буюк сиймо (Қодирий, Чўлпон, Ойбек)” каби қатор китобларини назарда тутмоқдаман. Мустақиллик неъмати — эркин ижодий муҳит Наим Каримовга илҳом берди; олим учун ҳақиқий маънавий қиёфасини, чин миллатпарвар зиёлига хос инсоний фазилатларини, қатъияти, шижоати, маърифий жасоратини намоён этиш учун майдон пайдо бўлди. Бу китоблар моҳиятида олимнинг дардлари, адабий-ижтимоий қарашлари, давр адабий-назарий муаммоларига муносабатлари, ижод аҳлининг бошига тушган кўргиликларни сезишлари — барча-барчаси ўзига хос тарзда, баъзан фожиавий, гоҳида лирик пафосга йўғрилган ҳолларда намоён бўлди.

Муҳташам маънавий хазина эгаси бўлган Наим Каримов — кўнгил одами. Бадиий ижод билан шуғулланиб, айрим шеърлар, ҳикоялар, драматик асарлар ёзганидан хабарим бор. Худди шундай бадиий ижод табиатини англаш, унга меҳр-муҳаббат сезимлари илмий асарларининг айрим саҳифаларида ҳам, хусусан, ижодкорнинг қалбига, ижод жараёнига тегишли ўринларда жуда билинади, кўзга ярқ этиб ташланади. Мен Абдулла Қодирий ижодини ўрганиб келаётган соҳа мутахассиси сифатида Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китобини жуда қадрлайман. Зеро, ўзбек адабиёти дарғаларидан бири, романчилик асосчиси улуғ адибимиз Абдулла Қодирийни юртимизда билмаган-танимаган одам жуда кам. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари нафақат ўзбек, балки дунё ўқувчилари кўнглидан ва энг нодир китоблари жавонидан ўрин олмоқда.

Яхши бир илмий-адабий китоб, табиийки, тинимсиз меҳнат, изланиш, ёзиш, текшириш, далиллар ортидан бунёд бўлади. “Абдулла Қодирий замондошлари” китобига назар солган ўқувчи, академик Наим Каримовнинг Абдулла Қодирий асарлари билан бирга замондошлари ва уларнинг ижодини ҳам чуқур билишини аниқ тасаввур қилади. Адиб билан учрашиб суҳбатлашган зиёлиларнинг эътирофлари, ўз вақтида асарларини бошқа тилларга ўгирган таржимонларнинг фикри ёки романларини мириқиб ўқиган айрим китобхонларнинг хотиралари ҳам ушбу китоб мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Аслида ўтган асрнинг 20 — 30-йиллари ижодий муҳитига доир тадқиқотларнинг кўпчилигига Наим Каримовнинг бевосита алоқаси бор. Дейлик, Абдулла Қодирий ижодининг қайси бир қиррасига бағишланган ёки Ғулом Зафарий ва Ғози Юнуснинг ҳаёт йўли, ижодий меросига доир тадқиқотларга илмий раҳбарлик қилгани барчага маълум. Наим Каримовнинг барча китоблари тинимсиз меҳнат, изланиш, таққослаш замирида майдонга келди. Шунга кўра бугунги зукко ўқувчи “Абдулла Қодирий замондошлари” тоифасидаги қомусий характердаги китобларни қисқа муддатда ёзиб бўлмаслигини англаши лозим. Олим ярим асрдан кўпроқ муддат ичида айни китобда келтирилган жуда кўп зиёлилар даврасида истиқомат қилди.

Кўплаб адабий манба ва маълумотлар мутолааси ҳамда синтезидан майдонга келган бу китобда Абдулла Қодирий билан боғлиқ икки юз элликдан ортиқ адабий сиймолар — шоир, ёзувчи, адабиётшунос, умуман, Абдулла Қодирийни кўрган, билган зиёлилар, оддий одамлар тўғрисида маълумотлар алифбо тартибида жойлаштирилган бўлиб, улар марказий мавзуни теранроқ ёритади. Китобга кирган шахсларнинг кўпчилиги, масалан, Мунаввар қори, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Сулаймон барчага маълум ва машҳур сиймолардир. Айримлари эса, дейлик, А. Чехов, Максим Горький ёки Алексей Толстой каби рус адабиётининг машҳур намояндаларидир. Китобни ўқиб, бу шахсларнинг бевосита ёки билвосита Абдулла Қодирийга алоқалари ҳақида ўқувчи керакли билимга эга бўлади. Муаллифнинг муҳим хизматларидан бири шуки, китобда бугунги кунда кўпчилик ўқувчилар танимайдиган, аммо Абдулла Қодирий ҳаёти ёки ижодида ўз ўрнига эга айрим замондошлари учун ҳам саҳифалар ажратади.

Масалан, “Муштум” журналининг рассоми ҳақида ким эшитган? Барчага манзур бўлган машҳур журналдаги қизиқарли ҳикоя, фельетон, ҳажвия асарларга барчанинг эътиборини тортадиган иллюстрация ва карикатуралар кимнинг қаламидан чиққан? Марҳамат, китобда берилган Туляя Иоганн ҳақидаги маълумотлардан бу саволларга қониқарли жавоб олиш мумкин. Рассом ижоди Абдулла Қодирийга маъқул келгани боис адиб илтимосига кўра “Ўткан кунлар” романи алоҳида китоб кўринишида босилганда муқовасига ҳам суратлар чизган эди.

Ўқувчилар китобда айнан адиб билан учрашиб суҳбатлашган, адабий ҳамкорликлар қилган Холид Саид, Қамчинбек, Л. Соцердотова каби Абдулла Қодирий асарлари таржимонларининг таржимаи ҳоллари ва сувратлари билан ҳам юзма-юз келишади.

Наим Каримов улкан адабиётшунос сифатида қодирийлар яшаб ижод қилган даврни юрак-юракдан ҳис қилади, Абдулла Қодирий ва унга замондош бўлган эзгу ниятли зиёлиларнинг ўз давридаги кайфиятини англайди: “Абдулла Қодирий Навоий, Бобур, Машраб сингари ўз салафларидан фарқли ўлароқ, шундай бир даврда яшадики, бу даврнинг кўзлари унинг ҳар бир қадамини кузатиб турди; унинг нималарни ёзаётганини, қаерга бораётганини, кимлар билан учрашаётганини кўриб турди, бу даврнинг қулоқлари унинг сафдошлари билан, адабиёт мухлислари билан, қўни-қўшнилари билан учрашганида нималар деганини эшитиб турди, бу даврнинг темир қўллари уни бўғиб ташлашга доим тайёр турди”.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий яшаган давр мураккаб ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий об-ҳавоси шундай мудҳиш, бадбўй ва ҳар қандай ижодкорнинг кўнглини хуфтон қиладиган бир муҳит эди. Академик Наим Каримов таъбирича, “адабий истеъдодига абадият тамғаси босилган” адибларигина жисмонан қатл қилинса ҳам, ўз асарлари билан асрлардан асрларга ўтиб, барча давр ўқувчиларига замондош, дилдош, даврадош ва даврдош бўлиб истиқомат қилади.

Олим бир мақоласида ёзади: “Кафка ё Жойс ёки Исигоро сеҳрлаб олдими, бас, энди сиз “Ўткан кунлар”ни ўқиб, бир олам завқ оладиган одамдан бошқа бир кишига айлана бошлаган бўласиз. Агар шу жараён давом этаверса, сизнинг тафаккурингиз, дунёқарашингиз, миллий қиёфангиз ва моҳиятингиз тубдан ўзгаради”. Адабий жараёнга, ўқишга, ўқишга, инсоннинг эстетик дунёқараши шаклланишига муносабатларида ҳам Наим Каримов Абдулла Қодирий асарларини мезон қилиб олади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётий тажрибалар ортидан бунёд бўлган ҳикматлар ҳаққониятни ифода этади.

Аслида манфаатли илм билан машғул инсон умрини маърифат ёғдуси, одамларга керакли китоблар нурлантиради ва безайди. Зеро, ўз вақтида ёзилган ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар — ёрқин безаклар академик Наим Каримов ҳаёти мазмуни, юраги кардиограммаси, тафаккурининг бетакрор изларидир.

**Баҳодир КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

# «ТОЗА ҲУДУД» КОРХОНАЛАРИГА ЯНГИ ТУРДАГИ МАХСУС АВТОМАШИНАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

*2020 йил 17 апрелда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасига 25 йил муддатга 60 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз бериш маъқулланган эди.*




## Хизмат




Умумий қиймати 112 миллион АҚШ доллари бўлган ва 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш учун “Тоза ҳудуд” ДУКга 12 метр куб ҳажмли 300 та махсус техника берилиши кўзда тутилган. Мазкур автотранспорт воситалари хариди учун эълон қилинган халқаро тендерда “Самарқанд автомобиль заводи” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ғолиб бўлган. Шунга кўра, заводда ушбу лойиҳа доирасида юк кўтариш қуввати оширилган, юклаш манипуляторлари, орқани кўриш камералари, GPS ва масофани ҳисоблаш билан жиҳозланган махсус чиқинди ташувчи автомашиналарнинг янги авлоди ишлаб чиқарилди.

— Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида жорий йилда корхона томонидан 144 та махсус чиқинди ташиш техникаси ишлаб чиқарилиб, ҳудудий санитар тозалаш корхоналарига етказиб берилмоқда, — дейди “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ савдо ва сервис департаменти раҳбари А. Саидаҳмедов. — Шу пайтгача республикамиз ҳудудларига 50 та машина етказилди ва “Тоза ҳудуд” корхоналарида иш бошлади. Яна 15 та махсус машина Самарқанд вилоятидаги “Тоза ҳудуд” корхоналарига берилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳудудий санитар корхоналарини яна 156 дона махсус чиқинди техникаси билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу иш 2023 йилда амалга оширилади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# АБАЙ ИЖОДИ — МАНГУ МЕРОС

*Улуғ қозоқ оқини — Абай (Иброҳим Қўнонбоев) ижодий мактаби ва унинг ҳаётбахш таъсири ҳамиша эътибор ва эъзозга лойиқ. Ўзбек ва қозоқ халқи абадий дўстлиги, қардошлиги рамзи сифатида мамлакатимизда жорий йилнинг 5 — 10 декабрь кунлари атоқли қозоқ шоири ва мутафаккири “Абай Қўнонбаевнинг мерос ҳафталиги” ўтказилмоқда.*

*Шу кунларда ана шу тадбир доирасида адиб ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда, ўрта ва олий ўқув муассасаларида икки давлатнинг таниқли шоир, ёзувчи ва олимлари иштирокида Абай ҳаёти ва ижодига бағишланган ижодий кечалар бўлиб ўтмоқда.*



## Адабий ҳамкорлик

Ўзбек Миллий академик драма театрида “Абай” спектакли намойиши, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Тошкент давлат шарқшунослик университети билан биргаликда “Абай фалсафаси ва Марказий Осиё мутафаккирлари” мавзуида илмий-амалий семинар, “XIX асрда ўзбек ва қозоқ мутафаккирларининг умумий тарихий-маданий мероси ва дунёқарашини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш” мавзуида илмий конференция ташкил этилмоқда.

“Абай Қўнонбоевнинг мероси кунлари”ни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Абай асарларининг “Сайланма”си, “Тарбия сўзлари” китоби ҳамда “Ўзбек — қозоқ адабий алоқалари”, “Оқиннинг доно ўгитлари”, “Абай ва Марказий Осиё адабиёти” номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламлари чоп этилган. “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдлик асарлар мажмуасида ҳам Абай ижодига алоҳида жилд ажратилган бўлиб, унга улуғ қозоқ шоирининг шеърлари киритилган.

## Эрка оқин

Абай ўз асарларини қоғозга кўчириб, таниш-билишларига тақдим қилар, улар ўз овул-элларига олиб кетиб, турли davраларда ўқиб беришар ва ёд олар эди. Шу тариқа, бу асарлар муаллиф матнига эга бўлишига қарамай, асосан, оғзаки тарзда тарқалди. Абай битиклари ҳаётлик пайтида ягона жилд остида тўпланиб китоб қилинмади. Шу боис абайшунослик йўсинидаги изланишлар оқин вафотидан беш йил ўтгач 1909 йилдан эътиборан Алихон Бекейхонов, Аҳмад Бойтурсун ўғли ва Мирёқуб Давлат ўғли каби фидойи мухлислар томонидан амалга оширилди.

1995 йилда оқиннинг 150 йиллик тўйи ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Кейинчалик “Абай қомуси”, “Абай асарларининг изоҳли луғати”, “Абай ва Пушкин”, “Абай Қўнонбоевнинг педагогик қарашлари” каби кўплаб салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Бугунги кунда Қозоғистон мактабларида “Абайшунослик” предмети жорий этилмоқда. Олий таълим муассасаларида адиб меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Улуғ қозоқ оқини таваллудининг 175 йиллик юбилейи ЮНЕСКО ва ТУРКСОЙ (Халқаро туркий маданият ташкилоти) ҳамкорлигида кенг тарзда нишонланди.

## Асарларининг жаҳоншумул шуҳрати

Маърифатпарвар шоирнинг кўплаб битиклари ўнлаб дунё халқлари, жумладан, ўзбек тилига ҳам маҳорат билан таржима қилинган. “Танланган асарлар”и икки марта: 1961 ва 1995 йилларда нашр этилди. Шубҳасиз, ўзбек мутаржимлари орасида қардош қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг ҳам севимли шоири сифатида эътибор топган Миртемирнинг номи ва тарихий хизматлари алоҳида эъзозга лойиқ.

Абай бутун умри давомида қозоқ халқини тинчликка, илм-маърифатга, аҳиллик ва тотувликка чорлаб яшади. Ундан қозоқ халқи маданий мероси ва жаҳон адабиёти хазинасига 200 дан ортиқ шеърлар, шунингдек, “Искандар”, “Маъсуд”, “Азим ривояти”, “Вадим” деб номланувчи 4 та бебаҳо достон, 45 та насрий ҳикмат мерос бўлиб қолди. Абай — маърифатпарвар оқин, қозоқ ёзма адабиёти ва тилининг асосчиси. Донишманд адиб насрда битилган фалсафий ҳикматлар муаллифи, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, миллий ментал ва илғор дунёвий қарашларни уйғунлаштиришга, қозоқ халқининг XIX асрдаги тарқоқ турмуш тарзини рус ва Оврупо маданиятига яқинлаштиришга интилган ислоҳотчи эди.

Абай мадрасада таҳсил олган йилларида Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира асарларини севиб мутолаа қилди ва улар таъсирида халқни маърифатга ундовчи илғор дунёвий ғоялар ифодаланган шеърлар ёза бошлади. Жумладан, шоирнинг Алишер Навоий ва Мирзо Бобур шахсияти ҳамда ижодий меросига меҳр-муҳаббати нақадар юксак экани ҳақида тўхталган академик Мухтор Авезов “Абай Қўнонбоев ўғли Оқилбойга ҳазрат Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони сюжети асосида “Жарроҳ” номли асар ёзишни топширган, набираларидан бирининг исмини Бобур қўйган”, деб ёзади.

Абайнинг улуғ файласуф ва маърифатпарвар бўлиб шаклланиши, ўз эли маънавий раҳнамоси даражасига юксалишида улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодий меросининг таъсири беқиёсдир. Машҳур қозоқ адиби Ғабит Мусрепов ҳақли эътироф этганидай: “Ўзбек халқининг донишманд шоири Алишер Навоийнинг асарларини ўқиб, ундан ўрнак олмаган шоир кам. Классик адабиётимизнинг буюк чўққиси — Абай ҳам ҳазрат Навоийни ўзига устоз деб билган, истеъдодига таъзим қилган”.

Алишер Навоий билан Абай турли даврларда яшаб, ижод этишган бўлсалар ҳам, халқ бахтини, камолини ўйлаб, адолат ва маърифатни шиор этиб, эзгу ҳамда олижаноб мақсадлар йўлида фидокорлик кўрсатишди. Шу маънода, бу икки даҳонинг ҳаёт ва ижод йўлларида талай муштарак жиҳатлар мавжуд. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий давлат арбоби сифатида юртни обод, улусни фаровон кўриш, бунёдкорлик ишларига хайрихоҳлик билан бош қўшиш, уларга ҳомийлик қилиш борасида намуна кўрсатиб Султон Ҳусайн Мирзони адолатли фармонлар чиқаришга ундаган бўлса, Абай Қўнонбоев 1885 йил Семипалатинск ўлкасида истиқомат қилаётган қозоқлар учун 60 моддадан иборат қонун лойиҳаси тузиб, унинг амалга жорий этилиши учун курашган.

## Адибнинг нақлия сўзлари

Абай ўзининг “Ҳикматлар” китобида ҳунарманду тадбиркор, деҳқону миришкор, маърифатпарвару саховатпеша халқ табиатига хос фазилатларни улуғлаб, бундай ёзган эди: “Ўзбек деҳқони етиштирмаган ўсимликнинг ўзи йўқ, улар ясамаган буюм йўқ. Аҳилликда яшашади, адоват қўзғашмайди. Таниқли бойлари, билимдон муллалари, ҳунармандлик ва мўл-кўллик дейсизми, боадаблик дейсизми — ҳаммаси уларда бор”.

Абайнинг фикрича, кўчманчилик шароитида яшаб келаётган ва уруғ-уруғларга бўлинган қозоқ халқи менталитетидаги айрим қусурларни бартараф этмай, ижтимоий ва маданий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Бинобарин, улуғ маърифатпарвар оқин маърифат ва маданиятни миллий бирдамликка эришиш мақсадида тарғиб этди. Унинг фалсафий мозаикадан таркиб топган “Нақлия сўзлар” туркуми лейтмотивини ҳам ана шу қарашлар ташкил қилади. Носир дидактик йўналиш — гўзал инсоний фазилат, яхши хулқни тарбиялаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратди.

Шоирнинг қирқ бешта алоҳида ҳикматлардан иборат насрий асарларида маърифий адабиётнинг анъанавий гуманистик пафоси ва эпик баён усули қўлланилади. Уларнинг ҳажми ҳам, ғоявий-бадиий хусусиятлари, хусусан, мазмун кўлами ҳам бир-бирига ўхшамайди. Муҳими шундаки, бу асарларда бадиий нафислик, ҳаётий ҳикмат ва халқона донишмандлик ўзаро туташади. Натижада ҳикматлар миллий ва умуминсоний миқёс касб этади. Бу туркумдаги асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, алоҳида эътибор топиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Абай А. Пушкин ва М. Лермонтов асарлари таржимасига алоҳида эътибор қаратади. Бу тасодифий ҳол бўлмай, оқин катта адабиёт намуналарини бехато танлагани ва ўша муаллифлар билан ўзига хос шеърий мубоҳасага киришганини кўрсатади.

Абай бастакор ҳам эди. У достонлар айтиш билан бир қаторда, ўз шеърларига дўмбира оҳанглари асосида куйлар басталар ва уларни ижро этарди. Оқин яшаган даврда қозоқ халқи орасида мусиқани нотага тушириш анъанаси шаклланмаган эди. Шу боис шеърлари каби у басталаган халқчил куйлар ҳам “Устоз — шогирд” анъанаси асосида дастлаб ўз қишлоғи, шаҳри ва кейинчалик бутун қозоқ даштига кенг тарқалди ҳамда бизгача етиб келди.

Улуғ шоирнинг аксарият қисми ҳикматга айланган бой адабий мероси замондош китобхонни миллий ва умуминсоний ахлоқий-маърифий ғоялар, гўзаллик ҳамда нафосат туйғулари сари етаклайди. Абай тарғиб қилган инсоний фазилатлар, бадиият либосига бурканган бўлиб, уларда ақл-заковат жилвалари, дўстлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик, самимий ва покиза муҳаббат туйғулари ўз аксини топган.

XX — XXI асрлар замонавий қозоқ шеъриятининг анъанавий ифода йўсинлари, маъно-мазмун қатламларида кузатилаётган ижодий-услубий изланишларда Абай ижодий мактабининг ҳаётбахш таъсири яққол намоён бўлаётгани кишини беҳад қувонтиради. Шоирнинг маърифий ғояларни улуғловчи, таълим-тарбия оҳангларига йўғрилган шеърлари ёшларни хушёрлик, илм-маърифат эгаллашга чорлаш мотивлари билан зийнатлангани, умрнинг ҳар лаҳзаси ғанимат эканини идрок этишга ўргатиши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

**Исломжон ЁҚУБОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 13 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6